# Сизга ризқ берувчи ким ўзи?!

Image not found or type unknown

20:00 / 29.11.2018    4271

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

أَمَّنْ هَٰذَا الَّذِي يَرْزُقُكُمْ إِنْ أَمْسَكَ رِزْقَهُ ۚ بَل لَّجُّوا فِي عُتُوٍّ وَنُفُورٍ ﴿٢١﴾

**“У ризқни тортиб қўйса, сизга ризқ берадиган ким ўзи?! Йўқ! Улар саркашликда ва** (ҳақдан) **қочишда бардавом бўлдилар”** (21-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларга: «Аллоҳ таоло ризқни тортиб қўйишга қодир Зот», – десалар, улар: «Бизнинг санамларимиз ризқ беради», – дейишган экан. Шунда юқоридаги оят нозил бўлган.